

Жиззах вилоятида маданият ва санъат муассасалари фаолияти


2024 йил учун

- I. Фаолият юритаётган музейлар
- II. Фаолият юритаётган театрлар
- III. Концерт ташкилотлари ва цирк
- IV. Ботаника ва ҳайвонот боғлари
- V. Маданият ва санъат муассасалари бўйича услубий тушунтиришлар

I. Фаолият юритаётган музейлар

Жиззах вилояти 2024 йилда фаолият юритаётган музейлар сони **8 тани** ташкил этган. Фаолият юритаётган жами **8 та** музейларнинг **6 та** филиаллари мавжуд.

Фаолият юритаётган музейлар сони (бирликда)



2024 йилда музейларга ташриф буюрувчилар сони жами **29,9** минг кишини ташкил этди. Ташриф буюрувчилар таркибида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларининг улуши **17,0 %** ни ташкил этган.

Музейлардаги асосий фонд ва экспонатлари сони

2024-йил учун (минг бирликда)

Вилоятдаги музейларда турли хилдаги буюмлар ва экспонатлар сақланмоқда, 2024 йилда музейлардаги жами асосий фонд экспонатлари сони **34,7** мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **31,5** мингта (**110,1 %**)га ортган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган олий таълим ташиқлотлари сони](#)

[Фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташиқлотлари сони](#)

[Фаолият юритаётган нодавлат олий таълим ташиқлотлари сони](#)

II. Фаолият юритаётган театрлар

2024 йилда Жиззах вилоятида жами театрлар сони **2** тани ташкил этиб, уларда намоиш этилган спектакллар (томошалар) сони **489** тага етган. Ушбу спектаклларга **194,0** минг нафар томошабинлар ташриф буюрган.

Театрлар сони ва томошабинларнинг

худудлар кесимида тақсимланиши

(2024 йил учун)

	Театрлар сони, жами (бирликда)	Спектакл (томошалар) сони (бирликда)	Томошабинлар сони (минг киши)
Жиззах вилояти	2	489	194,0
шаҳар:			
Жиззах	2	489	194,0
туманлар:			
Арнасой	-	-	-
Бахмал	-	-	-
Ғаллаорол	-	-	-
Шароф Рашидов	-	-	-
Дўстлик	-	-	-
Зомин	-	-	-
Зарбдор	-	-	-
Зафаробод	-	-	-
Мирзачўл	-	-	-
Пахтакор	-	-	-
Фориш	-	-	-
Янгиобод	-	-	-

III. Концерт ташкилотлар ва цирк

Жиззах вилоятида 2024 йилда жами фаолият кўрсатаётган концерт ташкилотлари сони **3** та бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 та (150 %)**га ошган. Концерт ташкилотлар томонидан намоиш этилган концертлар сони **160** тани ташкил этган. Ушбу концертлардаги томошабинлар сони **340** минг нафарга етган.

Фаолият юритаётган концерт ташкилотлари ҳамда ўтказилган концертлар сони (бирликда)



IV. Маданият ва истироҳат боғлари

Жиззах вилояти 2024 йилда **2** та маданият ва истироҳат боғлари мавжуд бўлиб шу билан бирга уларнинг шаҳар ва туманлар буйича тақсимланиши Жиззах шаҳри 1 та ва Зомин туманида 1 тадан фаолият олиб бормокда. Жиззах вилоят маданият ва истироҳат боғларининг умумий майдони **40,0** гектарни ташкил қилиб, ушбу боғларга 2024 йил давомида қатновлар сони **132,3 минг** кишига етган.

Шунингдек, мазкур боғларда **30** та аттракционлар мавжуд.

Фаолият юритаётган маданият ва истироҳат боғлари сони

	Маданият ва истироҳат боғлари сони, жами (бирликда)	Аттракционлар сони (бирликда)	Жами қатновлар сони (минг киши)
Жиззах вилояти	2	30	132,3
шаҳар:			
Жиззах	1	15	72,6
туманлар:			
Арнасой	-	-	-
Бахмал	-	-	-
Ғаллаорол	-	-	-
Шароф Рашидов	-	-	-
Дўстлик	-	-	-
Зомин	1	15	59,7
Зарбдор	-	-	-
Зафаробод	-	-	-
Мирзачўл	-	-	-
Пахтакор	-	-	-
Фориш	-	-	-
Янгиобод	-	-	-

V. Маданият ва санъат муассасалари бўйича услубий тушунтиришлар

Маданият — инсон фаолияти ва шу фаоллиятнинг аҳамиятини белгиловчи рамзий қурилмалар ва асарлар мажмуидир. Маданият мусиқа, адабиёт, санъат, меъморчилик, театр, кино ва турмуш тарзи каби фаолиятларда намоён бўлиши мумкин.

Маданий мерос бу — халқнинг ёки жамоанинг моддий ва номоддий меросидир, уни сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш учун васият қилинган. Бунга эътиқодлар, билимлар, бадий ифодалар, меъёрлар ва қадриятлар, ижтимоий амалиётлар, урф-одатлар, жойлар, объектлар ва маданиятнинг ҳар қандай бошқа ифодалари киради.

Маданий мерос объектлари — моддий ва номоддий маданий мерос объектлари.

Моддий маданий мерос объектлари — тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар.

Номоддий маданий мерос объектлари — тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар.

Диққатга сазовор жойлар — инсон ва табиат ижодининг муштарак маҳсули, шунингдек тарихий, археологик, шаҳарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган ҳудудлар, шу жумладан халқ ҳунарсозчилиги масканлари, тарихий манзилгоҳлар ёки шаҳарсозлик тарихий марказлари ва тарихий (шу жумладан ҳарбий) воқеалар, ёдгорликлар, атоқли тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган иморатлар, хотира жойлари, табиий ландшафтлар, шунингдек, кўҳна шаҳарлар, шахристонлар, манзилгоҳлар, қароргоҳлар иморатларининг маданий қатламлари, қолдиқлари, маросимлар бажо этиладиган жойлар.

концерт ташкилоти - концерт фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланувчи (филармопиуа, гастрол-концерт, концерт зали) ёки мустақил жамоани (муסיқий, хор, ракс ва бошқалар) ташкил этиш билан шуғулланадиган маданият ташкилотидир;

цирк - бу цирк томошалари намойиш этиладиган арена (манеж)га эга бўлган бино бўлиб, вақти-вақти билан ўзгариб турадиган цирк артистлари жамоасидан иборат бўлган кўнгилочар ташкилот

музеу - музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси;

музей фонди - музейда сақланаётган музей ашёлари ва музей коллекциялари мажмуи;

кинотеатрлар - бу бошқа мақсадларда фойдаланилмайдиган статсионар киноқурилмалар билан жиҳозланган махсус бино;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари - такрорий ҳужжатлар (китоблар, даврий нашрлар, бошқа ҳужжатлар, шу жумладан бадиий нашрлар, аудиовизуал ва машинада ўқиладиган материаллар)нинг уюшган фондига эга бўлган ҳамда улами жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланиш учун тақдим этадиган ахборот, маданий-маърифий муассаса АҚМ ва АРМ мустақил муассаса, корхона ёки ташкилотнинг таркибий бўлинмаси бўлиши мумкин;

фойдаланувчилар сони - обуначилар ёки китобхонлар сони бўйича амалга оширилади. Йил давомида китоб олган китобхонларнинг умумий сони йил охиридаги обуначилар тартиб рақами билан белгиланади;

Фойдали ҳаволалар:

[Таълим статистикаси бўйича услубий Низом](#)
[МСКО 2011](#)
[МСКО-0 2013](#)